

TERMINLARNING EPITET SIFATIDA QO'LLANISHI

Eliyor Rajabov

Qarshi xalqaro universiteti assistent o'qituvchisi

elyorrajabov@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada terminlarning badiiy matnda epitet sifatida qo'llanishi tahlil qilinadi. Epitetning lisoniy va uslubiy xususiyatlari, uning metafora, o'xshatish kabi boshqa tasviriy vositalardan farqlari ko'rib chiqiladi. Shuningdek, epitetning sodda va murakkab ko'rinishlari, ularning nutqdagi semantik asoslari yoritiladi. Terminlarning poetik aktualizatsiyadagi o'rni, ularning badiiy-estetik funksiyasi misollar asosida tahlil etiladi.

Kalit so'zlar: epitet, termin, metafora, o'xshatish, poetik til, lingvopoetika, sema, badiiy tasvir

Аннотация: В статье рассматриваются особенности использования терминов в художественном тексте в качестве эпитетов. Особое внимание уделяется лингвопоэтической актуализации терминов, их функционально-стилистическим характеристикам и метафорическому использованию. Анализируются примеры из узбекской поэзии, где термины используются не только в прямом значении, но и приобретают эмоционально-эстетическую нагрузку. Исследование подчеркивает значение эпитетов как выразительного средства художественного языка и выделяет различия между эпитетами и другими тропами, такими как сравнение и метафора.

Ключевые слова:термин, эпитет, поэтическая актуализация, метафорический эпитет, художественный текст, стилистика, семантика, лингвопоэтика

Annotation:The article examines the use of terms as epithets in literary texts, focusing on their linguopoetic actualization and functional-stylistic features. Particular attention is paid to the metaphorical use of terms and their emotional and aesthetic contribution to poetic imagery. Through examples from Uzbek poetry, the study shows how technical or nominal expressions acquire expressive and figurative power when used as epithets. The paper also differentiates between epithets and related tropes such as simile and metaphor.

Keywords:term, epithet, poetic actualization, metaphorical epithet, literary text, stylistics, semantics, linguopoetics

Маълумки, тилда терминларнинг лингвопоэтик хусусиялари, бадиий матнда қўлланиши билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этиш эътиборли масалага айланиб бормоқда. Ана шу маънода, бадиий матнда терминларни эпитет сифатида қўлланилиши масласи ҳам терминларни поэтик актуаллашувини намоён этувчи муҳим омиллардан бири саналади. Бу масalani ёритиш ҳам терминларнинг моҳият-мазмунини, функционал- услубий хусусиятларини текширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Эпитет бадиий тил воситаси саналади. У нутқ жараёнида тил фактида бўлган имкониятдан келиб чиқиб ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам у ҳар бир муаллифнинг ўзига хос, унинг қиёс доираси билан боғлиқ ҳолатда, тасвирламоқчи бўлган нарсасига нисбатан қарашларини, муносабатини ифодалаш асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам бу ҳодиса кўпроқ адабиётнинг, шеърятнинг муҳим воситаси сифатида қаралиб келинади. Айниқса, ғазалларда поэтик фигура сифатида кенг қўлланади.

Эпитет шундай тасвир воситасики, тасвирланаётган нарс-ҳоисани образли тарзда ўқувчи кўз ўнгида ёрқин гавдалантиради. Яъни, эпитет доим конкрет, объектив ва синтактик ажратилган нарсанинг сифатини, хусусият ва белгисини англатиб келади. Эпитет риториклар томонидан тилга олинган бўлмаса ҳам, жуда қадимдан адабиётшунослар, кейинчалик тилшунослар эътиборини тортган нутқ ҳодисасидир. У XV асрдаёқ форс ва ўзбек адабиётшунослигида истиора таркибида ўрганила бошланган. Бу ҳодиса XIX асрда Ғарб тилшунослигининг ҳам эътиборини торди. Унинг *эпитет* атамаси билан ўтган асрда яшаган Аделунг, шунингдек, А. Бен асарларида тилга олинганлигини кўриш мумкин.¹ Бадиий тил воситаларига бағишланган асарларда эпитет тилга олинган ҳолда унга қисқагина таъриф бериб ўтилади. Лекин бу ҳодиса ўзига хос услубий восита сифатида алоҳида моҳиятлидир. Яъни, баъзан амалда бу ҳодисани унга яқин ва ўхшаш бўлган ўхшатиш, метафора ва бошқа тавсир воситаларидан фарқлаш каби нозик масалалар кузатилади.

3. Тоҳиров бу хусусда қуйидаги фикрларни илгари суради: ”Эпитетли бирикмалар ўхшатиш қурилмаси ва қўшма от билан қориштирилади. Эпитетли бирикма билан ўхшатишли қурилма бир-бирига ниҳоятда ўхшашдир. Лекин тузилиш жиҳатдан улар маълум фарқларга эга. Ўхшатиш қурилмасидаги асос ва шаклий нутқий тежамга учраса, эпитетли бирикма бўлади. Уларнинг маъноси эса фарқ қилмайди, лекин услубий жиҳатдан айрим фарқларга эга бўлади. Жумладан, Майли ором олгин, эй бобо юртим! (А. Орипов) мисолидаги бобо юртим эпитетли бирикмадир. Агар уни бобо каби кекса юртим деб берилса ўхшатиш қурилмаси бўлади. Ўхшатиш қурилмасида каби ўхшатиш шакли ва кекса асоси эпитетли бирикмага нисбатан ортиқча қайд қилинади. Эпитетли бирикма билан ўхшатишли қурилма ўртасида маъно фарқи йўқ, лекин услубий фарқ мавжуд. Ўхшатиш қурилмасида биринчи ўринда кексалик белгиси бўлиб, бу кексаликни бобо кексалигига қиёслаш иккинчи ўринда туради. Эпитетли бирикмада биринчи

¹ Ҳўжаева Д. Ўзбек тилида эпитет. Фил. фан. ном. дисс. автореф. Тошкент, 1996, - Б. 6.

ўринга тўғридан-тўғри бобо кексалиги чиқарилган бўлади”.² Шунингдек, метафора ҳодисаси билан ҳам зич боғланган. Амалда бу икки ҳодисани ажратиш ҳам ўқувчидан зукколикни талаб этади. Шу маънода қараладиган бўлса, эпитет ҳам тилшуносликда ўрганилиши лозим бўлган муҳим восита саналади.

Эпитетлар маълум нарса ва ҳодисаларга хос характерли белги билан бошқа нарса ёки ҳодисанинг белгисини нутқ жараёнида номлаш ҳисобланади. Сўз маъно таркибидаги семаларнинг белги билдирувчиси битта бўлиши ҳам, бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Яъни эпитетда сўз маъносининг бир семасига ёки бирдан ортиқ семасига асосланиш ҳам мумкин. Эпитетлар фақат сифатлардангина иборат бўлмасдан, от ва феъллардан ва бошқа туркумлардан ҳам ифодаланади. Д.Хўжаева эпитетлар содир бўлишидаги сўз маъносининг иштирок этган семалари миқдорига кўра икки хил кўринишда бўлишини кўрсатиб ўтади:

- а) содда эпитетлар;
- б) мураккаб эпитетлар.³

Содда эпитетларда сўзларнинг нутқ жараёнида фақат биргина семаси иштирок этади. Сўзлар бирдан ортиқ семалари асосида эпитет ҳосил бўлса мураккаб эпитет саналади. Масалан, *Кумуш қишдан, зумрад баҳордан қолишмайди кузнинг зийнати (Уйғун)*. Бу ўринда кумуш, зумрад сўзлари “ранг” семаси билан қўлланган. Фақат битта семаси асосида эпитетга учраганлиги учун содда эпитет деб қаралади.

Ўзбек тили луғат таркибининг маълум бир қисмини ташкил этувчи терминлар бадиий адабиётда, асосан, кўпчилиги воқеалар ва нарса-қуролларнинг номи сифатида ишлатилса, айримлари кўчма маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Фикримизни далиллаш учун мисолларга ўтсак:

Оқ булут, оқ пар булут,
Кўкдаги қаптар булут.

² Тоҳиров З. Метафора семемасининг прагматик семаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984, №4. –Б.76

³ Хўжаева Д. Ўша асар, 8-бет

Сенга дардим сўзласам,

Бўлур минг дафтар булут. (М. Юсуф, Булут)

Келтирилган мисолда *пар*, *каптар*, *дафтар* атамалари эпитетни ҳосил қилган. Юқорида таъкидланганидек, эпитет оддий аниқловчидан фарқли ўлароқ нарса ва ҳодисага ҳос хусусиятларни образли тарзда, бўрттириб ифодалайди. Мисолда *оқ булут* бирикмаси оддий аниқловчи сифатида қўлланган бўлса, кейинги мисраларда эса булутга ҳос белги-хусусият образли тарзда бўрттирилиб, кучайтирилиб борилган. Булутга ҳос сифатлар шоир томонидан қофиядошлик асосида гўзал образли ифодани юзага келтирган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Тоиров З. *Ўзбек тилида эпитетлар*. – Тошкент: Фан, 1980.
2. Хўжаева Д. *Ўзбек тилида сифатлар ва уларнинг услубий вазифалари*. – Тошкент, 2005.
3. Ортиқов З. *Бадиий нутқ назарияси*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
4. Маҳмуд Юсуф. *Булут*. – Тошкент, 2001.
5. Бен А. *Стилевые фигуры в языке художественной прозы*. – Москва, 1976.
6. Crystal D. *A Dictionary of Linguistics and Phonetics*. – Oxford: Blackwell, 2008.
7. Jakobson R. *Linguistics and Poetics*. – In *Style in Language*, MIT Press, 1960.